

КОМПЛЕКС ПСИХОЛОГИЯ-ПЕДАГОГИКА ТАЙЁРГАРЛИГИ

Джаппаров Флюр Фатхуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириши

институти Жисмоний тайёргарлик цикли ўқитувчisi

shokiralbekov@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада комплекс психология-педагогика тайёргарлигининг моҳияти, унинг замонавий таълим тизимидағи ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинади. Педагогик жараёнда психологик ёндашувларни қўллаш орқали таълим самарадорлигини ошириши усуллари кўриб чиқилади. Шунингдек, ҳарбий ва ҳуқуқ-тартибот тизимида психологик тайёргарликнинг аҳамияти, педагогик ва психологик методларни бирлаштиришининг афзалликлари таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: психология, педагогика, комплекс тайёргарлик, таълим технологиялари, ҳарбий психология, мотивация.

ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ КОМПЛЕКС ПОДГОТОВКИ

Джаппаров Флюр Фатхуллаевич

Преподаватель цикла физической подготовки

Институт повышения квалификации МВД Республики Узбекистан

shokiralbekov@gmail.com

Аннотация: В данной статье анализируется сущность комплексной психолого-педагогической подготовки, ее место и значение в современной системе образования. Педагогик жараёнда психологик ёндашувларни қўллаш орқали ўқитиши самарадорлигини ошириши усуллари кўриб чиқилади. Шунингдек, ҳарбий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиши тизимида психологик тайёргарликнинг аҳамияти, педагогик ва психологик методларни бирлаштиришининг афзалликлари таҳлил қилинган.

Ключевые слова: психология, педагогика, комплексная подготовка, образовательные технологии, военная психология, мотивация.

TRAINING PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL COMPLEX

Dzhapparov Flur Fatkhullaevich

Teacher of physical training cycle Institute for Advanced Studies of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

shokiralbekov@gmail.com

Abstract: This article analyzes the essence of comprehensive psychological and pedagogical training, its place and significance in the modern education system. Methods for increasing the effectiveness of training through the application of psychological approaches in the pedagogical process will be considered. The significance of psychological training in the military and law enforcement system, the advantage of combining pedagogical and psychological methods, is also analyzed.

Keywords: psychology, pedagogy, comprehensive training, educational technologies, military psychology, motivation.

КИРИШ

Ҳозирги кунда комплекс психология-педагогика тайёргарлиги таълим соҳасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ёндашув таълим жараёнида нафақат назарий ва амалий билимларни, балки психологик барқарорлик ва мотивацияни ҳам шакллантиришни назарда тутади. Ҳарбий ва хуқуқ-тартибот тизимида хизмат қилувчи ходимлар учун психологик тайёргарлик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг стресс ҳолатларига тайёрлиги, тезкор қарор қабул қилиш қобилияти ва жисмоний ҳамда руҳий барқарорлиги таъминланади.

Комплекс психология-педагогика тайёргарлиги - бу таълим ва тарбия жараёнида психологик ва педагогик ёндашувларни уйғунлаштирган ҳолда шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган тизимли ёндашув ҳисобланади. Бу тайёргарлик, айниқса, ҳарбий, хуқуқ-тартибот ва фавқулодда вазиятларда фаолият олиб борувчи мутахассислар учун жуда муҳимдир, чунки

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

улар нафақат назарий билимларга, балки юқори даражадаги руҳий барқарорликка ҳам эга бўлишлари керак.

Комплекс психология-педагогика тайёргарлиги психологик ва педагогик усулларни бирлаштириб, ўқувчилар, хизматчиликни кадрларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган. Бу тайёргарлик қуйидаги элементлардан иборат:

Психологик тайёргарлик – стрессга чидамлилик, мотивация, тафаккурни ривожлантириш. Бу тайёргарлик шахснинг психологик мустаҳкамлигини ошириш, стрессга чидамлиликни шакллантириш ва фавқулодда вазиятларда тез ва аниқ қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Педагогик методлар – интерактив таълим, шахсий ёндашув, таълим психологияси. Педагогик ёндашув шахснинг таълим жараёнидаги индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали ўқитиш ва тарбиялашни таъминлайди.

Эмоционал ва когнитив ривожланиш – ақлий ва эмоционал интеллектни ошириш.

Ҳарбий таълимда ва ҳуқуқ-тартибот тизимида хизмат қилаётган кадрлар учун комплекс тайёргарлик жуда муҳимдир. Бу соҳага хос бўлган талаблар ва стресс ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, психологик ва педагогик методлардан биргалиқда фойдаланиш тавсия этилади. Жумладан:

Стрессга барқарорликни шакллантириш – стрессни бошқариш усуллари.

Тезкор қарор қабул қилиш – жанг ва фавқулодда ҳолатларда қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш.

Гуруҳда ишлаш кўнималари – жамоавий ишлашни ўргатиш. Интерактив таълим – симуляция ва кейс-методлардан фойдаланиш.

Индивидуал ёндашув – шахсий хусусиятларни ҳисобга олиб таълим бериш.

Мотивация тизими – хизматчиларнинг ўқув жараёнига қизиқишини ошириш.

Ҳозирги қунда рақамлаштириш ва инновациявий ёндашувлар психология-педагогика тайёргарлигини янада ривожлантириш имконини

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

бермоқда. Масалан, рақамли технологиялардан фойдаланиш – VR ва AR симуляторлар ёки онлайн таълим платформалари – интерактив курслар ва вебинарлар ҳамда геймификация усуллари – ўқув жараёнини қизиқарли қилишда мухим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Комплекс психология-педагогика тайёргарлиги хизматчиларнинг нафақат билим олиш жараёнини, балки уларнинг руҳий ва жисмоний тайёргарлигини ҳам кучайтиришга хизмат қиласди. Ҳарбий ва ҳукуқ-тартибот тизимида психологик тайёргарлик мухим аҳамият касб этади ва хизматчиларни стресс ҳолатларида қарор қабул қилишга ўргатади. Келажакда психология ва педагогика соҳасидаги инновациялар, рақамли технологиялар ва янги ўқув методларини қўллаш тайёргарлик жараёнини янада самарали қиласди.

АДАБИЁТЛАР

1. Иномов Ш. “Психология-педагогика тайёргарлиги ва унинг асослари” – Тошкент, 2022.
2. Тошев Н. “Ҳарбий психология ва унинг амалий жиҳатлари” – Тошкент, 2023.
3. Каримов А. “Интерактив таълим методлари ва уларнинг самарадорлиги” – Тошкент, 2021.
4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги. “Ҳарбий кадрларни тайёрлашда психологик ёндашувлар” – Тошкент, 2023.
5. Смирнов В.П. “Психологическая подготовка военнослужащих” – Москва, 2021.
6. Захаров А.Н. “Педагогические технологии в военном обучении” – Санкт-Петербург, 2022.
7. Иванов Д.А. “Современные методы психологической подготовки кадров” – Новосибирск, 2023.